



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА РЕНТАБЕЛЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Тожибоева Шахноза Анваровна -
ТДИУ Молиявий таҳлил ва аудит
кафедраси доценти, и.ф.н.

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a16

Аннотация. Мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва мамлакатимизда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш масалалари ёритилган. Тадқиқот натижалари корхоналарнинг рентабеллик даражасини ошириш бўйича мавжуд ички хўжалик имкониятларини аниқлаш асосида молиявий-хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш ва молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Таянч сўзлар: молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий натижалар, рентабеллик даражаси, самарадорлик, қиёсий таҳлил, омилли таҳлил, молиявий барқарорлик.

АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ РЕНТАБЕЛЬНОСТИ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Тожибоева Шахноза Анваровна -
Доцент кафедры «Финансовый анализ и аудит» ТГЭУ, к.э.н.

Аннотация. В статье проведен анализ показателей рентабельности на основе международных стандартов финансовой отчетности и нормативных документов, действующих в нашей стране. Результаты исследования позволяют дать правильную оценку финансово-хозяйственной деятельности и обеспечить устойчивость финансового положения на основе определения существующих внутриэкономических возможностей повышения уровня рентабельности предприятий.

Ключевые слова: международные стандарты финансовой отчетности, финансовые результаты, рентабельность, эффективность, сравнительный анализ, факторный анализ, финансовая устойчивость.

ANALYSIS OF PROFITABILITY INDICATORS BASED ON INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS

Tojiboeva Shakhnoza Anvarovna -
Associate Professor of the Department of
Financial Analysis and Audit, TSUE, PhD.

Annotation. The article analyzes profitability indicators based on international financial reporting standards and regulatory documents in force in our country. The results of the study make it possible to give a correct assessment of financial and economic activities and ensure the stability of the financial situation based on identifying existing internal economic opportunities to increase the level of profitability of enterprises.

Key words: international financial reporting standards, financial results, profitability, efficiency, comparative analysis, factor analysis, financial stability.

Кириш. Республикаимизда иқтисодий ривожлантириш шароитида иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, хўжалик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, самарадорлигини оширишни тақозо этади. Самарадорлик улар фаолиятининг молиявий натижаларида ўз ифодасини топади. Молиявий натижалар корхона фаолиятининг барча томонларини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, унинг миқдорига маҳсулот ҳажми ва сифати, маҳсулот тури, таннарх даражаси ва бошқа бир қанча омиллар таъсир қилади. Ўз ўрнида, молиявий натижа корхонанинг ўз айланма маблағларига, тўлов қобилятига таъсирини ўтказиши. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткич фойда ва рентабеллик дара-

жаси ҳисобланади. Зеро, молиявий натижалар уларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда молиявий ҳисобот ва аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларини жорий этиш мақсадида меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда, амалий тадбирлар амалга оширилмоқда [1, 2, 3]. Бу эса ўз навбатида, хўжалик субъектларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилинини ўтказиш долзарблигини белгилаб беради. Зеро, корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни олдиндан тахминлаш, уларни истиқболли ривожлантириш бўйича самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш халқаро амалий

тажрибалар асосида таҳлилни ташкил этишни талаб қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хўжалик субъектларида рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили масалалари республикамиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида кенг қўламда ўрганиб чиқилган. Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра: “Рентабеллик корхона фаолияти самарадорлигини ифодаловчи сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Корхона рентабеллиги даражаси асос кўрсаткичининг фойдалалик миқдорини ифодалайди” [6].

Иқтисодчи олима М.А.Вахрушинанинг фикрича: “Рентабеллик корхона ҳисоби фаолиятининг кўрсаткичларидан бири, маълум вақт (йил, квартал) давомида ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдалилиги (зарарлиги) кўрсаткичидир” [5]. Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан: “Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилининг мақсади рентабеллик даражасини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш эвазига ички имкониятларни излаб топиш орқали корхона фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ҳисобланади”, – деб баён қилинган [9].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг кўрсатишича: “Таҳлил жараёнида рентабеллик даражасини жорий ва ўтган йилларга нисбатан ретроспектив тарзда ўрганиш, ўзгариш сабаблари ва омилларини баҳолаш лозим” [8]. Иқтисодий адабиётда рентабеллик кўрсаткичларининг корхоналарнинг хўжалик фаолиятида қуйидаги функцияларни бажариши кўрсатиб ўтилган: ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавийлаштириш таъминланади; олинган кредит ва қарзларни қайтариш манбаи; корхонанинг тўлов қобилияти таъминланади; ижтимоий соҳасини ривожлантириш манбаи ҳисобланади [7].

Мазкур мавзу бўйича иқтисодчи олим М.П.Эшов [10] томонидан чоп қилинган илмий мақолада саноат корхоналари қийматини бошқаришда рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил ва прогноз қилиш методологияси бўйича ёндашувлар берилган. Унинг фикрича, корхона (бизнес) рентабеллиги корхона фойдалилиги нисбий кўрсаткичи бўлиб, даромадлилик ёки бошқача қилиб айтганда, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичини тавсифлайди. Ҳар бир компания бир хил фойда қийматида турли, фақат унга хос бўлган самарадорлик билан ишлайди. Шу боисдан ҳам мақолада «Электрқишлоққурилиш» АЖнинг рентабеллик кўрсаткичлари прогноз ва таҳлил қилинган, таҳлиллар натижасига асосланган ҳолда хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган. Хорижий иқтисодчи олимлар Сиви Арянтини, Сапто Жумоно томонидан чоп қилинган илмий

мақоланинг мақсади ДуПонт таҳлили асосида рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омилларни ҳамда уларнинг фирма қийматига таъсирини аниқлаш ҳисобланади. Детерминант рентабеллиги, яъни соф фойда маржаси, жами активларнинг айланувчанлиги ва молиявий ричаг мултипликатори хусусий капитал рентабеллигига ижобий таъсир кўрсатади, шу билан бирга, сотиш коэффициенти салбий ва сезиларли таъсир кўрсатади. Бу эса раҳбариятни компаниянинг операцион фаолиятини самарали бошқариш ва операцион ҳамда бошқа харажатларни камайтириш, акциядор капиталининг даромадлилиги ва фойда нормасини оширишда активлар ҳамда қарзлардан самарали фойдаланишни тақозо қилади. Ушбу мақолада эса мазкур масалалар етарли даражада тадқиқ қилинган [4].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишида гуруҳлаш, таққослаш, анализ, синтез ва омилли таҳлил усуллари қўлланилган. Хусусан, таққослаш усули натижасида рентабеллик даражасининг ўзгариши аниқланган, уларни тизимли баҳолаш имкони бўлган. Гуруҳлаш усули асосида рентабеллик кўрсаткичларининг хусусиятлари, асосий жиҳатлари эътиборга олинган. Рентабеллик даражаси таҳлилида анализ ва синтез усуллари таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишда ва натижаларини умумлаштиришда қўлланилган. Омилли таҳлил усулидан рентабеллик кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоб-китоб қилишда фойдаланилган бўлиб, уларнинг ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш имкони бўлган.

Таҳлил ва натижалар. Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида корхоналар молиявий ҳолати ва фаолияти натижавийлигига баҳо беришда рентабеллик даражасини таҳлил қилиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Фойданинг мутлақ миқдори корхоналарнинг хўжалик юритиш борасидаги самарадорик даражасини ҳар томонлама белгиламайди. Шу боисдан нисбий кўрсаткич – рентабеллик даражасини аниқлаш талаб қилинади. Рентабелликка эришиш учун сотишдан келган тушум қилинган харажатларни қоплаши ва маълум миқдорда фойдага эга бўлиши лозим. Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларни уларда қатнашувчи бирликларга нисбатан белгилаш мумкин. Масалан, жами активлар рентабеллиги ўзгаришига солиқ тўлагунга қадар фойда ва жами активлар ўртача суммасининг ўзгариши таъсир этса, ялпи фойда рентабеллигига ялпи фойда ва соф тушум қийматининг ўзгаришлари таъсир қилади. Бугунги кунда мамлакатимизда амалдаги меъёрий ҳужжатларда қуйидаги рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш тавсия қилинмоқда (1-жадвал).

Рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш усули

№	Кўрсаткичлар	Аниқланиш формуласи	Меъёрий ҳужжатда ифодаланиши
1.	Жалб қилинган капитал рентабеллиги (ROCE – Return on Capital Employed)	Соф фойда/Давр боши ва охиридаги жалб қилинган капитал. 2-ш. 270 с/1-ш. 570, 580 с	ЎзР ВМнинг 775-сонли қарори
2.	Акциядор капитали рентабеллиги (ROE – Return On Equity)	Соф фойда/Акциядор капиталининг ўртача йиллик қиймати. 2-ш. 270 с/1-ш. 410 с	ЎзР ВМнинг 775-сонли қарори
3.	Акциядор инвестицияси рентабеллиги (TSR – Total Shareholders Return)	Акциянинг давр охиридаги баҳоси – акциянинг давр бошидаги баҳоси + давр давомида тўланган дивидендлар/акциянинг давр бошидаги баҳоси. Ички бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан олинади	ЎзР ВМнинг 775-сонли қарори
4.	Жами активларнинг рентабеллиги	Солиқ тўлагунга қадар фойда x 100/Жами активларнинг ўртача қиймати. 2-ш. 240 с/1-ш. 400 с	ЎзР ВМнинг 775-сонли ва 1013-сонли қарорлари
5.	Харажатлар рентабеллиги	Солиқ тўлагунга қадар фойда x 100/жами харажатлар. 2-ш. 240 с/1-ш. 020+040+170+230 с	ЎзР ВМнинг 1013-сонли қарори

Манба: меъёрий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботлар асосида ўтказиладиган халқаро таҳлил амалиётида қуйидаги маржа, яъни рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш тавсия қилинган [11]:

1. Ялпи фойда маржаси (рентабеллиги) = Ялпи фойда x 100/Соф тушум. Мазкур коэффициентнинг ўзгаришига қуйидагилар таъсир қилади: сотиш баҳоси, маҳсулот ассортименти, сотиб олиш харажатлари, ишлаб чиқариш баҳоси, захиралар баҳоси. Ялпи фойда маржасини соф тушумга нисбатан вақт бўйича таққослаш керак: – сотиб олиш харажатлари ошяптими, агар “ҳа” бўлса, компания харажатларни назорат қиляптими;

– захираларни ҳисобдан чиқариш (компания нобарқарор бозорда ишласа, масалан, замонавий товарларнинг чакана савдоси);

– сотилган маҳсулотлар таннархига бошқа харажатларни олиб бориш, масалан, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари.

Ҳар хил компанияларнинг маржасини таққослаш ҳам фойдали ҳисобланади. Масалан, чакана озиқ-овқат маҳсулотларини сотувчилари катта ҳажмда маҳсулотларни сотиш ҳисобига маржани ушлаб турадилар. Заргарларга эса кам ҳажмдаги сотувни компенсация қилиш учун юқори маржа керак бўлади. Маржа кам бўлса, бу бизнесни катталаштириш харажатлари ёки бозордаги улушни оширишдан далолат беради. Ўртадан юқори маржа яхши бошқарувдан далолатдир.

2. Асосий фаолият маржаси (рентабеллиги) = Солиқ ва фоизлар тўлагунга қадар фойда (ЕБИТ) x100/ Соф тушум. Асосий фаолият маржаси ялпи фойда маржасининг ошиши ҳисобланади (сотиш, маъмурий ва бошқа операцион харажатларнинг кўпайиши, фақат молиявий харажат

ва солиқларгача). Агар ялпи фойда рентабеллиги (маржаси) компания маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишдан қанчалик фойда олаётганлигини кўрсатса, асосий фаолият маржаси компания мазкур жараёни қанчалик бошқараётганини кўрсатади. Агар ялпи фойда маржаси ўзгармаган бўлса, лекин асосий фаолият маржаси ўзгарган бўлса, қуйидаги имкониятларни кўриб чиқиш керак: бандлилик моделининг ўзгариши (ишчи кучи); катта ҳажмдаги сотиб олишлар ва чиқиб кетишлар натижасида амортизациянинг ўзгариши; катта ҳажмдаги умидсиз қарзларни ҳисобдан чиқариш; ижара шартларининг ўзгариши; рекламага кўпроқ инвестиция қилиш; ёқилғи нархининг кескин ўзгариши.

Асосий фаолият маржасига нисбатан ялпи фойда маржасига кўпроқ омиллар таъсир қилади. Бу ерда доимий ва шартли доимий харажатлар (кўчмас мулк харажатлари) эътиборга олинмапти. Мазкур харажатлар даромад ошса ҳам ўзгармайди. Бошқа харажатлар ўзгарувчан бўлади (ўраш, комиссия тўловлар).

3. Соф фойда маржаси (рентабеллиги). Кейинги кўрсаткич соф фойда маржаси ҳисобланади. Бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади: Соф фойда маржаси= Соф фойда x 100/ Соф тушум.

4. Солиқ коэффициенти компаниянинг солиқни қанчалик яхши бошқаришини кўрсатадиган самарадорлик коэффициенти ҳисобланади. Бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади: Солиқ харажатлари x 100/ Солиқ тўлагунга қадар фойда (ЕБИТ).

5. Фоизларни қоплаш коэффициенти кредиторларга фоизларни қоплаб бериш даражасини кўрсатади. Солиқ тўлагунга қадар фойда (ЕБИТ)x 100 / Фоизлар бўйича харажатлар.

Энди рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тузамиз (2-жадвал).

“ABC” акциядорлик компанияси рентабеллик кўрсаткичлари даражаси таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йил 2021 йилга нисбатан фарқи (+, -)
1.	Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум	316564381.00	402132072.00	218 718 590,02	-183413481.98
2.	Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи	281036379.00	378269210.00	199 374 577,08	-178894632.92
3.	Ялпи фойда	35528002.00	23862862.00	19 344 012,94	-4518849,06
4.	Давр харажатлари	44595746.00	44708908.00	44 142 136,78	-566771,22
5.	Молиявий фаолият харажатлари	10985055.00	8740208.00	11 504 263,11	+2764055,11
6.	Солиқ тўлагунга қадар фойда	57416638.00	37943859.00	9 443 664,66	-28500194,34
7.	Соф фойда	53762435.00	32690180.00	8 050 514,91	-24639665,09
8.	Жами активлар ўртача йиллик қиймати	271066091,5	336306561,5	328028202,415	-8278359,085
9.	Жами активлар рентабеллиги коэффиценти (6 x 100/8), %	21,18	11,28	2,88	-8,4
10.	Харажатлар рентабеллиги коэффиценти (6 x 100/ 2+4+5), %	17,06	8,79	3,70	-5,09
11.	Ялпи фойда маржаси коэффиценти (рентабеллиги) (3 x 100/1), %	11,22	5,93	8,84	+2,91
12.	Асосий фаолият маржаси коэффиценти (рентабеллиги) (6 x 100/1), %	18,14	9,43	4,32	-5,11
13.	Соф фойда маржаси коэффиценти (рентабеллиги) (7 x 100/1), %	16,98	8,13	3,68	-4,45

Манба: “ABC” акциядорлик компанияси молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, акциядорлик компаниясида 2020 йилда жами активлар рентабеллиги 21,18 фоизни (0,2 коэффицент), 2021 йилда 11,28 фоизни (0,1 коэффицент), 2022 йилда эса 2,88 фоизни ташкил қилди. Коэффицентда ҳисобланса, 0,03 бандни ташкил қилди. Бу эса унинг даражаси меъёрдан паст эканлигини кўрсатиб турибди.

Агар коэффицент меъёри 0,05 дан паст бўлса, компания паст рентабелли ҳисобланади (монопол корхоналардан ташқари). Компанияда жами активлар рентабеллик даражаси 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 8,4 фоизга камайган. Мазкур ҳолат компанияда жами активларнинг ўртача йиллик қиймати ва солиқ тўлагунга қадар фойда ҳажмининг камайганлиги билан изоҳланади. Компанияда харажатлар рентабеллиги коэффиценти 2020 йилда 17,06 фоизни (0,2 коэффицент), 2021 йилда эса 8,79 фоизни (0,09 коэффицент) ташкил қилиб, меъёр даражасида бўлган. 2022 йилда эса харажатлар рентабеллик даражаси коэффиценти 3,70 фоизни ташкил қилган. Коэффицентда 0,04 бандни ташкил қилиб, меъёрдан паст бўлган. Харажатлар рентабеллик коэффиценти 0,05 дан паст чиқса, корхона паст рентабелли (монопол корхоналардан ташқари), нолдан паст (манфий кўрсаткич) чиқса, корхона зарар кўриб ишлаётган ҳисобланади.

МҲХС бўйича ўтказиладиган молиявий таҳлилда ялпи фойда ва асосий фаолият маржасини, яъни рентабеллик даражасини ҳисоблаш тавсия қилинган. Лекин мазкур коэффицентларнинг меъёр даражаси кўрсатилмаган. Компанияда ялпи фойда маржаси коэффиценти 2021

йилда 5,93 фоизни, 2022 йилда эса 8,84 фоизни ташкил қилган ҳолда, 2,91 фоизга ошган. Бу ҳолат соф тушум ва ялпи фойда ҳажми камайганлиги билан белгиланади. Демак, компанияда 2022 йили ҳар сўмлик солиқ тўлагунга қадар фойдага 5,93 сўмлик ялпи фойда тўғри келмоқда.

Жадвалдан кўриниб турибдики, асосий фаолият маржаси коэффиценти йиллар кесимида пасайганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 2020 йилдаги 18,14 фоиздан 2021 йилга келиб, 9,43 фоизга пасайган. 2021 йилда эса мазкур коэффицентнинг даражаси 4,32 фоизни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 5,11 фоизга камайганлигини кўриш мумкин. Демак, компанияда асосий фаолият маржаси (рентабеллик) даражасининг камайишига таъсир қилувчи омиллар солиқ тўлагунга қадар фойда ва соф тушум ҳажмининг камайиши ҳисобланади.

Халқаро молиявий таҳлил амалиётида соф фойда маржаси коэффицентини ҳам ҳисоблаш тавсия қилинган. Компанияда мазкур коэффицент даражасининг йиллар кесимида пасайганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 2021 йилда 16,98 соф фойда маржаси коэффиценти 16,98 фоиздан иборат бўлиб, ҳар сўмлик соф тушумга 16,98 сўмлик солиқ тўлагунга қадар фойда тўғри келмоқда. Компанияда соф фойда маржаси коэффиценти 2021 йилдаги 8,13 фоиздан 2022 йилга келиб, 3,68 фоизга пасайган ҳолда, 4,45 фоизга камайди. Бу эса компанияда 2022 йилда 2021 йилга нисбатан соф тушум ва соф фойда ҳажми камайганлиги билан изоҳланади. Мутаносиб равишда бу ҳолат соф фойда маржасининг камайишига салбий таъсир кўрсатган.

Хулоса ва таклифлар. Рентабеллик кўрсаткичлари даражасини таҳлил қилиш корхоналар молиявий ҳолати барқарорлиги таҳлилининг асосий босқичларидан бири бўлиб, у ҳамма вақт корхона раҳбари, аудиторлар ва таҳлилчилар эътибор марказида бўлиши лозим. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, акциядорлик компаниясида рентабеллик кўрсаткичлари даражасини оширишнинг ички имкониятлари мавжуд бўлиб, биринчи навбатда, кўрсаткичларнинг таркибий тузилишини яхшилаш керак. Таҳлил объекти бошқарув маъмурияти рентабеллик кўрсаткичлари даражасини ошириш бўйича керакли тадбирларни амалга ошириши лозим ҳисобланади. Зеро, бизнесдаги ҳолат ва унинг келгусидаги ривожини прогнозлаш юзасидан МҲХС асосида қиёсий таҳлил ҳам амалга оширилиши керак. Шу билан бирга, бизнесини реструктуризация қилишда, молиявий соғломлаштириш, молиявий модель тузишда ҳам рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили натижалари муҳим ҳисобланади.

Корхоналарда рентабеллик кўрсаткичлари даражасини ошириш бўйича қуйидаги амалий тавсияларни бериш мумкин: ишлаб чиқаришни модернизация, реконструкция, диверсификация қилиш ва инновация технологияларини жалб қилиш; бир сўмлик маҳсулот учун қилинадиган жами харажатларни қисқартириш; ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасига кўра маҳсулот фонд сиғими, материал сиғимини пасайтириш. Акциядорлик компанияси бошқарув маъмурияти омилли таҳлил натижасида аниқланган ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиши, уларни амалиётга сарфбар қилиши лозим. Берилган рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари амалиётда жорий қилинса, корхоналарнинг рақобатбардошлиги, рентабеллиги ва молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш, молиявий ва иқтисодий салоҳиятини ошириш имкони бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарори. 2020 йил 24 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1013-сонли қарори. 2018 йил 14 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775-сонли қарори. 2020 йил 9 декабрь.
4. Aryantini S & Jumono S. (2021). Profitability and value of firm: An evidence from manufacturing industry in Indonesia. *Accounting*, 7(4), 735-746. <http://leeds-faculty.colorado.edu/jere1232/Harrigan%20and%20Wing%20Corporate%20Renewal%20SI.pdf>.
5. Вахрушина М.А. Анализ финансовой отчетности. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2022.
6. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т., 2017.
7. Тожибоева Ш.А. Молиявий таҳлил-2. Дарслик. – Т.: Инновацион ривожланиш, 2021.
8. Хасанов Б.А. ва бошқалар. Молиявий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: Lesson-Press, 2022.
9. Шоалимов А.Х., Илхамов Ш.И., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. – Т.: Сано-стандарт, 2017.
10. Эшов М.П. Саноат корхоналари рентабеллиги кўрсаткичлари асосида корхона қийматини бошқариш. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 1-сон, январь-февраль, 2019 йил.
11. МҲХС бўйича молиявий ҳисобот (F7, ACCA) курси ўқув фани материаллари, 2022.



https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a17

BUXGALTERIYA TIZIMIDA NOMODDIY AKTIVLARNI ADOLATLI BAHOLASH

Qosimova Sayyora Karimjon qizi -
Toshkent moliya instituti, Baholash ishi va investitsiyalar kafedrasida katta o'qituvchisi

Annotatsiya. Maqolada nomoddiy aktivlarni baholashning dolzarb muammolari muhokama qilinadi. Nomoddiy aktivlarni baholashda umumiy yondashuvdan foydalanishning mumkin emasligi asoslab berilgan, shuning uchun nomoddiy aktivlarni adolatli baholash xususiyatlari atroflicha tahlil qilinib, xorijiy tajriba o'rganilgan. Olingan natijalarga asoslanib, muallifning nomoddiy aktivlarni adolatli baholash ketma-ketligi to'g'risidagi qarashlari taklif etiladi.

Kalit so'zlar: nomoddiy aktivlar, baholash, qiymat, algoritim, buxgalteriya hisobi.